



Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривож, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган асосий қонунидир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Конституциямиз халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини ифода этиб, миллий давлатчилигимиз ривож, демократия ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қондаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди.



## ТИНЧЛИК, БАҲҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ



Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий йўли аниқ ифода-лаб берилган ушбу қомусий ҳужжатда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизда алоҳида муҳрлаб қўйилганлиги мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришайтган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз — буюк ҳа-**

**ётимиз қомуси турибди. Бу эса, ўз навбатида, Бош Қомусимиз халқимизнинг руҳияти, маънавияти ва орзу-интилишларига ҳамоҳанг тарзда яратилганининг амалдаги яққол ифодасидир.** Суверен Республикамиз Конституцияси — инсон ҳуқуқларининг демократик хартияси бўлиб, у ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастури вазифини ўтаб келмоқда. Конституциямиз — давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий замини, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди.  
**(Давоми учинчи бетда)**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз иштини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституция-

сининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ парламент юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22

йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" - ги масалани кўриб чиқишдан бошлади.

Ушбу масалани кўриб чиқиш асосида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳуж-

жатнинг қабул қилинишини инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, амалга оширилган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши экан-

лигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг қарорида қуйидаги маҳкумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қарорда амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам назарда тутилган.  
**(Давоми иккинчи бетда)**

### Fuqarolik qonunchiligi

## Кредит шартномаси

унга тўлиқ риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу соҳа вакиллари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, банklar томонидан имтиёзли асосларда ажратилаётган кредитлар тадбиркорлик субъектлари учун ўз фаолиятини изчиллик билан ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда банklar томонидан имтиёзли асосларда ажратилаётган кредитларга тўхталадиган бўлсак, табиийки, бу маблағдан мақсадли фой-

даланиш ҳар бир тадбиркордан оқилона иш тутишни талаб этади.

Шу боис ҳам мамлакатимизда кредит олиш, ундан мақсадли фойдаланиш ва ўз вақтида тегишли банкка қайтариш борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари Асосий қонунимиз ва амалдаги қонун ҳужжатларида кафолатлаб қўйилган. Биргина мулк ҳуқуқи хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳар бир фуқаро ўзига тегишли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши, уни тасарруф этиши ҳамда ўзи истаган шахсга ҳада қилиши ёки васиятнома асосида мерос қилиб қолдириши мумкин.

### Qonun ko'magi

## Меросга ким ҳақли?

Шу ўринда шахснинг ўз мулкни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи тўғрисида фикр юртадиган бўлсак, бу, аввало, васиятнома орқали амалга оширилади.

Айтиш жоизки, васиятномада васият бўйича меросхўр бўладиган шахс ва унга ўтиши лозим бўлган мерос мулк васият қилувчи томонидан аниқ кўрсатилади. Шунингдек, қонунда ҳар бир шахс ҳаёти давомида орттирган ва интеллектуал фаолияти натижасида яратган барча (моддий ва маънавий) мулклари, мажбуриятлари ўзининг вафотидан кейин, хоҳишига кўра, кўрсатилган ворисга, агар мулкни кимга қолдириш ҳақида ҳеч қандай хоҳиш билдирмаган бўлса, қонун бўйича унинг энг яқин қариндошларига ўтиши кафолатланган.

Шуни таъкидлаш керакки, қонунда васият



бўйича меросхўр бўлиши ман қилинган шахслар рўйхати аниқ белгилаб қўйилмаган. Бироқ амалдаги қонунларимизда бу борада айрим чекловлар ўрнатилганини ҳам қайд этиш жоиз.  
**(Давоми иккинчи бетда)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 7-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
- г) чет давлатлар фуқаролари;

д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар.

2. Эҳтиёсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати - учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

7. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши - узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавfli рецидивист деб топилган; жиний уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиний жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартиқидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши - ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

г) ушбу Қарор 1-3, 5, 6-бандларининг амал қилиши - таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли кўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

9. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 14 ноябрь

## Muloqot

Савол беринг,  
жавоб берамиз

**Айтинг-чи, Олий ўқув юртининг кундузги бўлимида тахсил олган вақтни ҳам меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш мумкинми?**

**Тургунбой ДАВЛАТОВ,**  
Шеробод шахри

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шунини айтиш керакки, амалдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 37-моддасида иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолият турлари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, фаолият тури, мулк ва хўжалик юретиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бандлари тўлаган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу

қонуннинг 37-моддаси "е" бандига кўра, олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, докторантурада, катта илмий ходим-изланувчилар институтида ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Фақат "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 37-моддаси "е" ва "з" бандларида назарда тутилган даврлар ушбу модданинг "а" ва "г" бандларида кўрсатиб ўтилган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирдагина қўлланилади.

**Шахсий машинани шартнома асосида гаровга қўйган эдим. Аммо ҳозир, зарурат туфайли, машинани сотмоқчиман. Айтинг-чи, гаровга қўйилган мулкни бошқаси билан алмаштириш мумкинми?**

**В.КУРБОНОВ,**  
Зағиота тумани

— Ҳа, гаровга қўйилган мулкни алмаштириш мумкин. Жумладан, амалдаги "Гаров тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, гаров нарса-сини алмаштиришга, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар гаров нарса-сини нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юретиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра, бекор қилинган бўлса, гаровга қўйувчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса, суд белгиланган муддатда) гаров нарса-сини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.

**Айтинг-чи, қонунда сохта тузилган аудиторлик хулосаси учун жавобгарлик белгиланганими?**

**Р.МАШАРИПОВ,**  
Элликқалъа тумани

— Ҳа, белгиланган. Маълумки, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига кўра, аудиторлик текширувни ўтказмай тузилган ёхуд аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилса-да, лекин аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган хўжалик юритувчи субъект ҳужжатлари мазмунига мувофиқ бўлмаган аудиторлик

ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан сохта тузилган ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан сохта тузилганлиги аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатишга, шунингдек, айбдор шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

**Ёшим ўн еттида. Айтинг-чи, мен ҳам меҳнат шартномаси асосида ишлашим мумкинми?**

**Г.ТУРСУНОВА,**  
Сурхондарё вилояти

— Маълумки, Фуқаролик кодексининг 27-моддасига мувофиқ, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган воёга етмаганлар, ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийларнинг ёзма розилиги билан туздилар. Бундай воёга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахсининг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган воёга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларнинг розилигисиз қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли: ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш, фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга оширишга, қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш, шунингдек, ушбу кодекснинг 29-моддаси кинчи қисмида назарда тутилган майда маийш битимларини ҳамда бошқа битимларни тузиш.

Етарли асослар мавжуд бўлганда суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомий ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган воёга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеklang қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин.

**Саволларга Олий суд катта консультанти Фирюза АЗИМОВА жавоб берди.**

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Сенат ўз қарори билан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўллаш тартибини белгилади. Ушбу тартибда жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжатида мувофиқ озод қилинадиган шахслар хусусидаги ишлар ва материалларнинг судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгиланмоқда. Бунда амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўллашни тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлашда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашиларнинг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг мунтакавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясида оид қораларни амалда рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қаришлар уйларида жойлаштириш, воёга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбо-

ришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар, "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди. Сенаторлар ушбу қонун 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг концепциясини самарали амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратилишини, шунингдек, солиқ солиш соҳасида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашни таъкидлади.

Қонун билан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунларга, Солиқ кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, сенаторларнинг фик-

рича, ушбу қонун умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юқини янада камайитиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустақамлашга ҳамда солиқ маъмуриятини такомиллаштиришга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига, 2014 йил 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ тарти-

ботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2013 йил 12 декабрдаги "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш бора-расидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ тайёрланганлигини кўрсатиб ўтилди.

Ушбу қонун билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги, "Банкротлик тўғрисида"ги, "Махсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида"ги қонунларга, Солиқ кодексига, Ҳаво кодексига, Жиноят кодексига, Фуқаролик процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва бошқаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий

асосларини янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратишга, фуқаролик суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга ва бошқаларга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 10 та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириб боришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 5 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг рўёбга чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликнинг кудратли омил бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугаллади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**



Айтинг-чи, қонунда сохта тузилган аудиторлик хулосаси учун жавобгарлик белгиланганими?

## Fuqarolik qonunchiligi

## Кредит шартномаси

унга тўлиқ риоя этиш томонлар манфаатига хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айтиш керакки, кредит бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш, кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилишда гаров муҳим ўрин тутди.

Фуқаролик кодексининг 264-моддасида қайд этилганидек, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд шартнома нотариал тасдиқланган шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганда эса, у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, "Расул Қурбонов" фермер хўжалиги раҳбари А.Қурбонов "Агробанк" ОАТБ Учтепа филиалига кредит маблағи ажратишни сўраб, мурожаат қилади. Банк мутасаддилари фермер хўжалиги раҳбарининг мурожаатини қонун доирасида ўрганиб чиқади ва 2011 йилнинг 26 январида томонлар ўртасида гаров шартномаси расмийлаштирилади. Ушбу шартномада фермер хўжалиги банк муассасасидан олаётган кредит таъминоти учун 2010 йилда ишлаб чиқарилган "ТТ3-80" русумли, "ЕЛ-77-31" давлат рақамли тракторни гаровга қўяди.

Шундан сўнг томонлар ўртасида 5850-сонли кредит шартномаси имзоланади. Шартномага кўра, банк муассасаси фермер хўжалигига уч йил муддатга, йиллик 16 фоиз устамаси билан, 36 миллион 505 минг 200 сўм

кредит маблағи ажратади.

Бир қарашда, ҳаммаси рисоладагидек амалга оширилган эди. Фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантириш учун банкдан ўзига етарли сармоя олди. Бироқ кредит маблағидан мақсадли фойдаланишга келганда, у хатоликларга йўл қўйган кўринади. Негаки, фермер хўжалиги кредит шартномасининг бир неча бандларини кўпол тарзда бузган. Асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини ўз вақтида тўламаган. Оқибатда банк зарар етказган.

Даввогар — Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси "Агробанк"нинг Учтепа филиали манфаатларини қўлаб, фермер хўжалиги раҳбари, жавобгар А.Қурбоновга нисбатан тўланмасдан қолган 29 миллион 610 минг сўм кредит қарзи, 6 миллион 325 минг сўм кредит фоизи ва 3 миллион 593 минг 500 сўм пеня, жами 39 миллион 528 минг 500 сўм қарздорликни ундириш ҳамда ундирувчи гаровга қўйилган мулкка қаратишни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даввогарнинг даъво талаблари сиртдан қаноатлантирилган.

Айтиш керакки, суднинг ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан Жиззах шаҳар прокурори томонидан кассация протести келтирилди. Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, А.Қурбонов "Расул Қурбонов" фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолият кўрсатиб келган. У фермер хўжалигига қарашли тракторни гаровга қўйиб уч йил муддатга йиллик 16 фоиз устам тўлаш шarti билан банкдан 36 миллион 505 минг 200 сўм миқдоридagi кредит маблағи олган. Бироқ фермер хўжалиги шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 279-моддаси талабига кўра, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторнинг талабларини қондириш учун ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Бундан ташқари "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддасида фермер хўжалигининг бошлиги фермер хўжалигининг мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидар жавобгар бўлади, дея қайд

этилган. Биринчи босқич суди юқоридagi қонун талабларидан келиб чиқиб, асосли ҳал қилув қарори қабул қилган.

Фақат биринчи босқич суди жавобгардан давлат божи ундиришда хатога йўл қўйган. Яъни Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги қарорига даъво аризаларнинг даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 80 баробаридан кўп бўлганда, даъво баҳосининг 20 фоизи миқдоридa давлат божи ундирилиши белгиланган. Биринчи босқич суди ушбу талабга эътибор қаратмасдан давлат божи миқдорини белгилашда барвақт хулосага келган.

Кассация инстанция суди келтирилган кассация протестини қисман қаноатлантирди. Биринчи босқич суди ҳал қилув қарорининг "Жавобгар А.Қурбонов ҳисобидан давлат фойдасига 790 минг 570 сўм давлат божи харажатлари тўлови ундирилсин" деб қўрсатилган қисмини 39 миллион 528 минг 500 сўмнинг 20 фоизи миқдоридa, яъни 7 миллион 905 минг 700 сўм деб ўзгартириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро ёки хўжалик юритувчи субъект гаров шартномаси ва унинг ҳуқуқий аҳамиятини вақтида тўғри идрок этиши лозим. Яъни шартнома шартларини бажариш томонлардан алоҳида масъулият талаб қилади. Гаров мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи ўта муҳим омил бўлибгина қолмай у қарз берувчининг манфаатларини ишончи ҳимоя қилиши билан ҳам қимматлидир.

**Собир ҚУЛИЕВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси

## Qonun ko'magi

## Меросга

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1119-моддасига мувофиқ, ворис, шу жумладан, васият бўйича ворис олиш таъинланган шахс ҳам суднинг ҳал қилув қарори билан нолайиқ меросхўр деб топилиб, мерос олишдан четлаштирилиши мумкин.

Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилишича, мерос қолдирувчини ёки эҳтиمول тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Мерос қолдирувчи ўзининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворис бўлишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилиши-

га имкон яратган шахслар ҳам васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Бундан ташқари ўз фарзандларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу бола-ларидан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шунингдек, мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан, қонунга кўра, зиммасига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва воёга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, даввогар М.Расулова жавобгарлар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими ва туман давлат нотариал идорасига нисбатан судга даъ-

во аризаси билан мурожаат қилиб, унда туман давлат нотариал идораси томонидан расмийлаштирилган васиятномани ҳақиқий эмас, шунингдек, тумандаги бошқа бир давлат нотариал идорасида 2010 йил 10 октябрда қўйилган васиятномани ҳақиқий деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, 2010 йил 10 октябрда фуқаро Д.Ҳафизова ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Янгйер шаҳри, Алишер Навоий кўчасида жойлашган 5-уй, 3-хонадонни Н.Йулдошеввага тумандаги 2-сон давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган васиятномага биноан васият қилиб қолдирган.

2014 йил 10 май куни эса Д.Ҳафизова ушбу хонадонни Н.Йулдошеввага тумандаги 2-сон давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган васиятномага биноан васият қилиб қолдирган.

2014 йил 10 май куни эса Д.Ҳафизова ушбу хонадонни Н.Йулдошеввага тумандаги 2-сон давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган васиятномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

қун, яъни 2014 йил 10 майда вафот этган.

Марҳума Д.Ҳафизова умрининг охирига қадар низоли хонадонда ёлғиз ўзи истиқомат қилиб келиб, иш бўйича тарафлар — М.Расулова ва Н.Йулдошевва билан яқин ёки узоқ даражадаги қариндошлик алоқалари мавжуд бўлмаган.

Даввогар М.Расулова судга тақдим этган даъво аризасида 2014 йил 10 майда марҳума Д.Ҳафизова ўзининг ҳаракатларига жавоб бера олмас-да, М.Расулова унинг оқилолигини фойдаланган ҳолда қонуний равишда ўзининг номига васиятномани расмийлаштирганини қайд этиб, 2014 йил 10 майдаги васиятномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Конституциямиз энг тараққий топган, ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибаларига таяниш билан бирга, тарихда сингалрий умуминсоний, умум-башарий кадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжат сифатида номён бўлмақда.

Конституция ўзбек давлатчилигини замонавий, маърифий асосда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоаярлик содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжихатлики таъминлашнинг кафолати ҳисобланади. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек: "Бизнинг Конституциямиз умуминсоний — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуг гоаярларга хизмат қилади".

Бу эса, айнан халқимиз асрлар оша ардоқлаб келаётган энг эзгу фазилатлар — тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамкорлик, каттага хурмат, кичика иззат, жамоанинг фикрига бўйсунуш, оила муқаддаслиги ва бошқа кўплаб кадриятларнинг Бош Қомусимизда акс эттирилган ҳуқуқий ифодаси эканининг яна бир исботидир.

Мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларида эл-юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий кадрият сифатида қарор топтириш, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш борасида қандай улкан муваффақиятларга эришган бўлсак, барчасининг замирида Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқлар, гоаярлар, принциплар мужассам эканини бугун ҳам бир юртдошимиз чуқур ҳис этмоқда. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва ўсиш суръатлари таъминланишида Асосий Қонунимизда белгиланган ҳуқуқий асослар муҳим омил бўлмақда. Конституциямиз асосидан амалга оширилган ижтимоий-

иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ ўтган йиллар мобайнида ялли ички маҳсулот 3,5 баравар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса, 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий ҳимоя учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёд кўпайди.

Жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммоларга ва унинг ўсиш суръати пасайганлигига қарамаздан, мамлакатни ижтимоий-

инвестиция фаоллиги изчил ошмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида мамлакатимизнинг ялли ички маҳсулоти 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 18,9 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,2 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 11,1 фоизга ўсганлиги ҳам аслида Бош Қомусимиз яратиб берган тинч ва осуда ҳаётнинг маҳсули-

истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 11,3 фоизга ўсди.

Энг муҳими, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръати келгуси — 2015 йилда ҳам сақлаб қолиниши, жумладан, ялли ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиз атрофида бўлиши нуфузли халқаро ва минтақавий молиявий-иқтисодий ташкилотлар томонидан башорат қилинмоқда.

Шу билан бирга, Конституциямиз мамлакатимиз миллий давлатчилиги ҳуқуқий тизимнинг пойдевори ҳамда қонунчиликни янада ривожлантиришнинг асоси бўлиб, Конституция нормалари амалга ошириб борилган ҳолда ҳозиргача 8 конституциявий қонун, 16 кодекс, 600 дан зиёд қонун қабул қилинди ва 200 дан зиёд халқаро шартномалар ратификация қилинди.

Хулоса сифатида шуни таъкидламоқчиманки, Асосий қонунимиз ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланишига, жумладан, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қўлга киритилган ютуқларимизнинг бош омили Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асослар эканини алоҳида эътироф этиш жоиз. Яна бир муҳим жиҳат — Конституциямиз ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида жаҳон харитасида ўз ўрнини топишида асосий ҳуқуқий восита бўлмақда. Бош Қомусимиз бундан кейин ҳам давлат бошқарувини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда жамиятни янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб қолаверди. Халқимизнинг фаровон турмуши ва кўнглини янада кўзланган ушбу ислохотларни ҳаётимизда самарали таъбиқ этиш жараёнига ҳисса қўиш ҳам биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Қодир Жўраев,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси Мудофаа ва  
хавфсизлик масалалари  
қўмитаси раиси  
("Туркистон-пресс")

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоқ қилиш жараёнида амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш, уларга бугунги кун талабидан келиб чиқиб, тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Масалан, 2014 йил 14 май куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида" ги қонун билан Жиноят кодексининг 211, 212-моддаларига тегишли ўзгаришлар киритилди.

**Yangi qonun mohiyati****Такомиллашаётган қонунчилик**

Айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 211-моддасида пора берувчи шахс; 212-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахс, башарти, жиноий ҳаракатлар содир этилгандан сўнг бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод этилишига оид рағбатлантирувчи қоида мавжуд эди.

Юқорида қайд этилган янги қонун билан ушбу қоидага ҳам ўзгариш киритилди. Эндиликда пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар бундай жиноят ҳақида ҳар қандай муддатда хабар берганлиги учун жавобгарликдан озод этилмайди. Балки жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилсагина жавобгарликдан озод қилинади.

Айтиш жоизки, қонунда жавобгарликдан озод қилиниши аниқ муддат белгилаб қўйилиши пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларда жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини, жиноят профилактикасини оширишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бундай шахсларга жиноят ҳақидаги хабарни қатъий белгилаб қўйилган муддатда бериш мажбуриятини юклаган орқали жиноятларни ўз вақтида аниқлашга эришилади.

Шу ўринда ушбу қонун талаблари тушунарли бўлиши учун пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсини жавобгарликдан озод қилиш шартларига алоҳида эътибор бериш зарур бўлади.

Чунинчи, пора сўраб товламчилик қилган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсини жавобгарликдан озод қилиш шартлари Жиноят кодексининг 211-моддаси 4-қисми ва 212-моддаси 4-қисмида қатъий белгиланган талабларнинг барчаси мавжуд бўлсагина, яъни; товламчилик йўли билан пора талаб қилинган ҳолат далиллар асосида тўлиқ тасдиқланса;

- ариза қонунда назарда тутилган муддатда, яъни ўттиз сутка ичида тақдим қилинса;

**Jinoyat va jazo****Сирли ўғирлик****СУД ОЧЕРКИ**

С.Шакарров (исм-шарифлар ўзгартирилган) Жиззах шахрига етиб келганда кун кеч бўлиб қолган, атрофини қоронғулик қоплаган эди. У йўлда анча толиққан, устига-устак қорни ҳам очган эди. Шу боис у шахардаги "Табаррук" чойхонасининг рўпарасидаги автоматиналар тўхташ жойида машинасини қолдирди-да, овқатланги учун чойхонага кирди. Овқатланиб бўлгач, анча вақт чой ичиб ўтирди. Кейин вақт алламаҳал бўлган-да, меҳмонхонага йўл олди. У меҳмонхона ҳовлисида киргач, машина юкхонасидан у-бу нарса олмоқчи бўлди. Аммо маши-

- ҳар қандай ноқонуний ташки таъсирлардан (жисмоний, руҳий) холи тарзда ўз ихтиёри билан арз қилинса; - пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса;

- пора берганлик ва воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс ушбу жиноятни очишда фаол иштирок этса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Шу ўринда ушбу қонун меъёрларини батафсил шарҳлайдиган бўлсак, ўз ихтиёри билан арз қилиш деганда, пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсининг ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шахсан келиб ёзма ёки оғзаки шаклда қилган мувожаати тушунилади.

Тергов ёки суриштирув даврида аниқланган ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан маълум бўлган ҳолатлар юзасидан қилинган мувожаат жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам бериш деганда, ўзига нисбатан пора сўраб товламчилик қилган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ўз ихтиёри билан келиб, содир этилган жиноят ҳақида баён қилиши, қилмишига пушаймонлик билдириши, жиноятнинг олдини олиш ва жиноятни очишга ёки унинг ташвиш учун пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсини фош қилишга фаол ёрдам бериши тушунилади.

Мухтасар айтганда, ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва бу турдаги жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш баробарида жамиятда қонун ва адолат устуворлигига эришишдан иборатдир.

**Исматулла МАМАНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Тошкент вилояти судининг  
судьяси  
**Хайриддин ШЕРМУХАММЕДОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Қибрай тумани судининг  
раиси

**Ўзбекистон Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 22 yilligiga****Тинчлик, барқарорлик ва тараққиётимиз кафолати**

иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишларини, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш комплекс дастурларини тизимли ва бошқича-бошқича амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш таъминланмоқда, аҳоли даромадлари ва фаровонлиги ҳамда

дир. Корхоналарни техник ва технологик қайта таъминлаш, модернизация қилиш жараёнини жадаллаштиришга, ноозик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва маҳаллий ишлаб чиқаришда ички хомашё базасини барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2014 йилнинг 9 ойида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга, шу жумладан,

**Maslahat****Васийлик ва ҳомийлик****у кимларга нисбатан тайинланади?**

Ҳеч кимга сир эмас, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда тўлиқ таъминлашда кўпгина омилар қатори васийлик ва ҳомийлик идоралари ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Маълумки, васийлик ва ҳомийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, таълим-тарбиясига қайгуриш, шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун туман ёки шахар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ҳамда суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб то-

пилган шахсларга нисбатан васийлик, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган шахсларга нисбатан ҳомийлик тайинланади. Васийлик ва ҳомийликни амалга ошириш, тегишлилигига қараб, халқ таълими, соғлиқ-

ни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига юклатилади. Васий ва ҳомийни тайинлаш вақтида унинг шахсияти, мажбуриятлари, бажариш қобилияти, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахс билан муносабати, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликка олинувчининг хоҳиш-истаги каби

жиҳатлар эътиборга олиниши лозим. Чунки қонунда васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар доираси ҳам белгиланган. Ушбу тоифага ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ушбу ҳуқуқ чекланган, муомаллага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар қиради.

Васий ёки ҳомий этиб тайинланган шахс соғлиги ёмонлашганда, шунингдек, қонун билан белгиланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик мажбуриятдан озод қилинади ёки четлатилади.

**Акбар ЖАББОРОВ,**  
Олий суд катта консультанти

гик) экспертиза тайинлаш масаласини муҳокама қилиш зарурлиги қайд этилган.

Сирдарё вилоят асаб ва руҳий касалликлар диспансери амбулатор суд психиатрия экспертизасининг 2014 йил 20 октябрдаги хулосасида 2014 йил 10 май куни нотариал тартибда расмийлаштирилган васиятномани тасдиқлаш вақтида мархума Д.Ҳафизова ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуниш ва бошқариш қобилиятини маҳрум бўлгани ҳамда касаллик аломатлари мархуманинг руҳий ҳолатига бевоқиф таъсир этгани баён этилган.

Шу ўринда яна қонун талабига эътибор қаратсак, Фуқаролик кодексининг 121-моддасига биноан, гарчи муомаллага лаёқатли бўлса-да, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томони-

дан тузилган битим шу фуқаронинг ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланган манфаатлари бундай битимни тузиш натижасида бузилган бошқа шахсларнинг даввоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суд ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, даввогарнинг давво талабини қаноатлантиришни лозим, деб тоғди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш турли қонунбузилишларнинг олдини олиш, васиятномаларни тўлиқ ижро қилиш, мол-мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, бир сўз билан айтганда, мулк дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан алоҳида эътиборга молик.

**Жамшид ТИРКАШЕВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Сирдарё вилояти  
судининг раиси  
ўринбосари

**КИМ ҲАҚЛИ?**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодексининг 11-моддасига асосан, фуқаролик ҳуқуқлари ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгариш йўли билан ҳимоя қилинади.

Аниқланишича, мархума Д.Ҳафизованинг соғлиги ёмонлашгани сабабли 2014 йил 9-10 май кунлари тез тиббий ёрдам қабул қилинган. Буни таъкидлашдан мақсад шуки, айнан тез тиббий ёрдам шифокори

томонидан 2014 йил 9 майда юритилган қабул қилинган варақасида мархума Д.Ҳафизованинг соғлиги ўта оғир аҳволда эканилиги қайд этилган.

Тез тиббий ёрдам шифокорининг 2014 йил 10 майда юритилган қабул қилинган варақасида эса, мархума Д.Ҳафизовага юрак астмаси ташхиси қўйилган. Шунингдек, бошқа бир шифокор С.Ҳайдаров берган маълумотномада ўша кунлари мархума Д.Ҳафизованинг аҳволи жуда оғирлиги, саволларга аниқ жавоб бера олмаслиги қайд этилган.

Қисқаси, суд юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Д.Ҳафизованинг 2014 йил 10 май куни нотариал тартибда расмий-

лаштирилган васиятномани тузиш ва имзолаш вақтида руҳий ҳолатини аниқлаш мақсадида, суд-руҳий экспертизаси тайинлади.

Айтиш керакки, Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини таъбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида" ги қарори 11-бандида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузиладиган битимнинг ҳақиқий эмаслиги тасдиқлаш низолаштирилган, судлар Фуқаролик процессуал кодексининг 59-моддаси талабларидан келиб чиқиб, иш бўйича тегишли (психоло-

**(Давоми тўртинчи бетда)**

Э Ў Л О Н !

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига хужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар

ДИҚҚАТИГА

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига куйидаги талаблар асосида хужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига тайёргарлик кўрган, катта ҳаётий тажрибага, беникусон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юри-

дик ихтисослиги бўйича иш стажы камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин. Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати орқали ариза ва зарур хужжатларни тақдим этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2014 йилнинг 6 ноябрь ҳолатига кўра, куйидаги вакант судьялик лавозимлари мавжуд:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2 нафар раис ўринбосари, 5 нафар судьялик лавозимлари;
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди: Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 6 нафар судьялик, округ ва худудий ҳарбий судларининг 2 нафар раислик ҳамда 1 нафар судьялик лавозимлари;
Қорақалпоғистон Республикаси: Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, 3 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозимлари;
Андижон вилояти: жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди раисининг ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;
Бухоро вилояти: жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раисининг ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 6 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;
Самарқанд вилояти: жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозимлари;

- Жиззах вилояти: жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят туман судларининг 4 нафар раислик лавозимлари;
Сирдарё вилояти: жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 3 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозимлари;
Сурхондарё вилояти: жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 3 нафар судьялик, туман судларининг 5 нафар раислик лавозимлари;
Фаргона вилояти: жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят суди раисининг ўринбосари, 4 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 7 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозимлари;
Тошкент вилояти: жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 6 нафар раислик ва 14 нафар судьялик лавозимлари;
Тошкент шаҳри: жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари, туман судларининг 2 нафар раислик ва 13 нафар судьялик лавозимлари;
Хоразм вилояти: жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг раиси, 1 нафар судьялик, туман судларининг 3 нафар судьялик, туманлараро судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Захирага киритиш тўғрисидаги аризага (таклифга) номзод томонидан шахсан тўлдирилган кадрларни ҳисобга олиш шахсий варағи ва таржамий ҳол, фотосуратлар, паспорт нусхаси ва баҳолар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган нотариал тасдиқланган олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтаридаги қўғирма, соғлиги тўғрисида маълумотнома, иш жойидан маълумот-тавсифнома, идора номидан тавсия, фирномалар (камида учта) илова қилинади.

Судьялик лавозими захирасига хужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари Судьялар малака ҳайъатига мурожаат этишлари мумкин.

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)
Боягина С.Шакарров чойхонага кира туриб, машинасини пулт воситасида ўзи қўллаганди. Автоматини юкхонаси ҳам берк эди. Чойхонадан чиққан, машина эшикларини яна пулт ёрдамида ўзи очди.
Демак, кимдир ўта ус-тамонлик билан машина юкхонасини очиб, буюмларни олиб қўйган.
С.Шакарров бу сирли ўғирлик ҳақида ўйларкан, калаванинг учини тополмай боши говлаб борарди.
Айтиш керакки, сирли тарзда содир этилган бу ўғирликдан сўнг орадан йигирма кун ўтган. Жиззах шаҳрида яшайдиган Жавлон, Шерзод, Анвар ва Жўшқин ҳам оқшом "Табаррук" чойхонасига боришди. Тўғриси, шу кунни Жавлон Аширкулов дўстларини меҳнат таътилига чиққанлиги муносабати билан бир пиёла чойга таклиф этган эди.
Қисқаса, шу кун улар чойхонада анча пайт яраб ўтиришди. Кейин Жавлон чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул олгани ташқарида қолдирган "Нексия" автомашинасининг эшигини очди-ю, бирдан бўшашиб кетди. Чунки боягина машина салонига қолдирган 170 минг сўм пул йўқ эди. Шундан сўнг у машина юкхонасига бир миллион сўм қўйгани ёдига тушди-ю, шоша-пиша юкхонани очишга уринди. Қараса, юкхонадаги пул ҳам жойида йўқ.
Шундан сўнг Ж.Аширкулов бу ўғирлик тўғрисида шаҳар ички ишлар

бўлимига хабар берди.
Бухоронинг Ромитан туманидаги Қўрғон қишлоғида ҳафтанинг хар пайшанба кун мазор бўлади. Ойбек ака ҳамқишлоғи Зоҳидга бир кун аввал узрашиб, машинасида молбозорга олиб боришни илтимос қилганди. Шу боис улар тонг саҳарда Зоҳиднинг "Нексия" русумли автомашинасида бозорга йўл олишди.
Ойбек ака машинанинг юкхонасига сумкага солинган 4 миллион 300 минг сўмни қўйиб қўйганди. Бозорга яқинлашган, Зоҳид автомашинани четроқ жойга қўйди ва Ойбек акага юкхонадаги пулни ўзи билан олиб боришни айтди. Бунга жавобан Ойбек ака "Авал молни савдо қилмайлик, кейин пулни олиб борамиз" деди.
Улар анча пайт бозор айланганда, Зоҳид Ойбек акага "Мен машинада ўтириб тураман, савдо қилгиз пишса, қўнғироқ қилгиз, пулни олиб келаман", дея ортига қайтди. Орадан кўп ўтмай Ойбек ака Зоҳиднинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, пулни олиб келишни илтимос қилди.
Шундан сўнг Зоҳид машина юкхонасини очди-ю, пул солинган сумка жойида йўқлигини кўрди.
Хуллас, ўша кун Ойбек Жонузоков Ромитан туман ички ишлар бўлимига содир этилган ўғирлик ҳақида хабар берди.
Жиззах билан Бухоро вилоятлари оралиғи унчалик яқин эмас. Бироқ автотранспорт воситала-


ри ривожланган бугунги кунда бир-бирдан олис масофада айнан бир-бирига ўхшаш жиноятларнинг рўй бериши кишини унчалик таажубга солмайди. Муқаддам Жиззах шаҳридаги чойхонада содир этилган сирли ўғирлик жинояти-этилган сирли ўғирликлар ким томонидан со-нодир этилган, деган савол туғилади.
Энди шу ҳақда фикр юртамиз.
Қўнғирлик Икром Дўлмонов муқаддам содир этган ўта оғир жиноятлари учун жиноят ишлари қариб олмаган Мурод учинчи марта қалтис жиноятга қўл уради. Шундан сўнг жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ҳукми билан унга саккиз ярим йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.
Хуллас, икки гурмоқ жазони ўтаб, озодликка чиққан, Қўқон шаҳридаги автомобиль эҳтиёт қисмлари бозорида савдотик билан шуғулланиб юришади. Шундай кунларнинг бирида Икром Муродга енгил автомашиналарнинг эшигини оппа-осон очадиган махсус пулт тайёрлаганини айтarkan, агар роти бўлсанг, бу билан жуда тезда бойиб кетишимиз мумкин, дейди. Мурод ҳам унинг нимага ишора қилаётганини бирдан англайди ва розилик билдиради. Шундан сўнг Икром Н.Нажмидиновдан "Нексия-2" русумли автомашинасини ижарага олади ва улар жинойий режани амалга оширишга киришади.
Биз юқорида баён этган хабарланувчилар С.Шакарров, Ж.Аширкулов ва О.Жонузоковга тегишли қимматбахо буюм ҳамда пулларни ўғирлашда жинойий шериклар И.Дўлмонов тайёрлаган махсус пултдан фойдаланишди.
Юқорида газетхонни Жиззахда ички ишлар ходимлари жиноятчиларни ушлашга ҳозирлик қўришаётганидан хабардор этган эди. Энди шу воқеага ойдинлик киритадиган бўлса, икки гурмоқ С.Шириновнинг машинасида ўғирланган телефон сим картасидан



Garojib olam

Маълумки, ҳаво транспорти нафақат йўловчиларни, балки турли-туман юкларни узоқ манзилларга етказишда ҳам энг қулай техника воситаси саналади.

Биз билган ва билмаган дунё ҲАВОДАГИ САРГУЗАШТЛАР



Албатта, соҳада йўловчилар учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиш, имкон борича уларга қулайлик яратиш ва хавфсизликини ишончли таъминлаш борасида мутахассислар томонидан тинимсиз изланишлар олиб борилиб, амалий натижаларга эришилмоқда. Аммо шунга қарамай самод парвоз қилишдан чўчидиганлар ҳам баъзан учраб турар экан. Хусусан, мутахассисларнинг фикрича, дунёдаги ҳар 100 нафар йўловчидан уч нафаридан самолётда учидан қўрқиб, яъни аэрофобия касаллиги мавжуд экан. Бу каби но-хуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, бир қатор авиакомпаниялар, хусусан, Жанубий Африканинг "Саут Африкэн Эйрвейз" авиакомпанияси бир кунлик пуллик курслар ташкил этди. Бу ерда улар аэропортдаги самовий парвозга хос махсус қурилмаларда учишга тайёргарлик қўришади.
Аммо шу ўринда ҳақли савоёл тўғйлади: "мабодо фалон минг метр бандликда самолёт бортида фавқулодда ёнғин чиқиб, бошқариш системаси бузилса ёки бошқа жиддий носозликлар содир бўлиб қолса, авиайўловчиларни қутқариб қолишнинг имкони борми?
"Энди уларни юз фоиз қутқариб қолиш мумкин", дея қачанки ишонч билдиради америкалик тажрибали учувчи ва иxtиროчи Питер Деймонд. Чунки у биринчилардан бўлиб йўловчилар саломи ажраладиган самолёт лойиҳасига патент олган. Унга кўра, ташқи кўринишдан шаҳар аэрофиға қатнайди-ган поезднинг вагонига ўхшайдиган бу салон ниҳоятда оддий тарзда авиалайнер ичига маҳкамланади. Мабода парвоз пайтида ҳалокат содир бўлса, йўловчилар саломи ўша заҳотиёқ фюзеляждан ажралиб чиқади ва ўзига ўрнатилган парашютлар ёрдамида ерга қўнади. Қўллаб авиакомпаниялар қизиқиб қолган бу иxtиროнинг муаллифи ҳозир 80 ёшда. У учувчилик гувоҳномасини 16 ёшидаёқ олишга муваффақ бўлган.
Аслини олганда, учувчи учун ердан 300 метр бандликда бўлиш оддий ҳолдек туюлади. Аммо банд дарахт тепасида ночор кун қўриш тўғрисида гап борса-чи? Гап шундаки, колумбиялик икки учувчининг қисмати айнан шундай кечди. Улар бошқараётган мўъжаз самолёт Боготадан 500 километр жанубдаги қуюқ чангалзор тепасида ҳалокатга учрайди, парашютдан нажот излаган

Куч—АДОЛАТДА МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Шоюнус ГАЗИЕВ, Мавжуда РАҲАБОВА, Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Файрат ХИДОЯТОВ
Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Нашр индекси: Яқка тартибдагилар учун: 574, ташкилотлар учун: 575.
Буюртма: Г-1122. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6996.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 2009 Топширилди: 2200